


## Ота-онага оқ бўлиш катта гуноҳдир

Image not found or type unknown



14:04 / 24.11.2024 2119

Қуръони Карим оятлари ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари асосида мусулмон уммати ота-онага оқ бўлиш катта гуноҳларнинг каттаси эканига иттифоқ қилган. Бу борада ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Келгуси сатрларда бу борада келган баъзи ҳадиси шариф ва ривоятлар билан яқиндан танишиб, бу мавзунини илмий асосда ва батафсил ўрганишга ҳаракат қиламиз.

لُؤْسَ رِجَالٍ: لَأَقِي بَعْثَ شِلَا نَع  
هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَصَّ هَلَلَا

رَبِّكَ أَبٌ مُّكُتِّبٌ نُّنُ أَلَا أ: مَلَسَ و  
هَلْ لَّابٌ كُ أَرْشِ إِي: رِيَّ أَبَ كُ لَ ا  
نِي مَيُّ لَ ا و، نِي دِلَ ا و لَ ا قُ وُقُ عَ و  
سُ و مَ عَ لَ ا .

Шаъбийдан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен сизларга гуноҳи кабираларнинг энг каттасининг хабарини берайми? Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш ва ёлғон қасам ичиш», дедилар».**

**Шарҳ:** Ушбу ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам катта гуноҳларнинг энг катталаридан учтаси ҳақида хабар бермоқдалар.

Аллоҳга ширк келтириш – Аллоҳнинг хотини бор, ўғли бор, шериги бор, деган бузуқ ақийдага эътиқод қилиш дунёдаги энг катта гуноҳ ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ширкдан бошқа гуноҳнинг ҳаммасини кечишини ваъда берган. Лекин ширкни кечирмаслигини алоҳида таъкидлаб қўйган.

Ана шундай улуғ, катта, беқиёс гуноҳдан кейинги ўринда турадиган гуноҳ ота-онага оқ бўлиш экан. Ота-онанинг назаридан қолиш, дуойи бадига қолиш, уларнинг норозилигига дучор бўлиш ана шундай оғир нарса.

Шу билан бирга, бир нарсанинг ёлғонлигини билиб туриб, қасам ичиб, ўзининг фойдасига буриб кетиш ҳам энг катта гуноҳлардан биттаси ҳисобланар экан. Аллоҳ таоло булардан Ўзи асрасин.

لُؤْسَر لَاق : لَاق نَسَخ لَاق نَع  
هَيْلَع هَل لَاق يَلَص هَل لَاق  
يَفَن وُلُوقَتِ ام» : مَلَسَو  
بُرُشَوِة قِرْس لَاق اَنْزَلَا  
هَل وُسَرَو هَل لَاق : اُولَاق «؟ رَمَخ لَاق  
شَح اَوْف نُه» : لَاق مَلَعَا  
الَا ، تَاب وُقُع نَه يَفَو  
«؟ رِي اَبَا لَاق رَب كَاب مَكِي بَنُا  
؟ هَل لَاق لُؤْسَر اِي نُه امَو : اُولَاق  
، هَل لَاق اَب كَارُش اِلَا» : لَاق  
لُوقَو اِلَا ، نِي دِل اُولَاق وُقُعَو  
«رُوزَلَا» .

Ҳасандан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Зино, ўғирлик ва ароқхўрлик ҳақида нима дейсизлар?» дедилар. «Аллоҳ ва Унинг

**Расули билгувчи», дейишди.**

**«Ўшалар фаҳш ишлардир. Уларнинг уқубати бор. Сизларга гуноҳи кабираларнинг энг каттасини айтиб берайми?» дедилар. «Улар нима, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. «Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш ва билиб қўйинглар, ёлғон гап», дедилар».**

**Шарҳ:** Демак, ота-онага оқ бўлиш зино, ўғирлик, ароқхўрликдан ҳам каттароқ гуноҳ ҳисобланар экан. Уларнинг бу дунёдаги уқубатлари белгилаб қўйилган. Зино қилса, тошбўрон ёки дарра уриш билан жазоланади. Ўғирлик бўлса, қўлини кесиш ёки таъзирини бериш йўлга қўйилади. Хамр ичиб қўлга тушганга ҳам дарра уриш бор.

Лекин Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш ва ёлғон гапдан иборат учта гуноҳларнинг уқубати бу дунёда белгиланмаган бўлиб, азоби охиратга қоладиган нарсалар экан. Шунинг учун улар жуда даҳшатли гуноҳлар ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир мўмин банда бу гуноҳлардан ҳазир бўлиши матлубдир.

نَمُّنَا لِقِي دُوعَسَمَ نَبَانَع  
كَارْشِإِلْأَرْئَابَكُلْأَرْبُكَأ  
نِيْدِلْأَوْلْأُقُوقُغَو، هَلْأَب  
سُومَغْلْأُنِيْمَيْلْأَو

Ибн Масъуддан ривоят қилинади:

**«Гуноҳи кабираларнинг энг каттаси: Аллоҳга ширк келтириш, ота-онасига оқ бўлиш ва ёлғондан қасам ичишдир».**

**Шарҳ:** Албатта, бу гапни Ибн Масъуд розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи васалламдан эшитган бўладилар. Буни аввал ўтган ривоятлар ҳам кўрсатиб турибди.

Аллоҳга ширк келтириш, ота-онасига оқ бўлиш ва ёлғондан қасам ичиш гуноҳлари одатда маънавий жиноятлар сифатида содир бўлади. Кўпинча улар гуноҳкорнинг ўзи билган ҳолда, бошқалардан яширин қолади. Шунинг учун уларни содир этганларга шариатда маълум моддий жазо белгиланмаган. Демак, бу жиноятларнинг жазоси бутунлайича охиратга қолиб кетиши хавфи бор. Охиратнинг азобидан эса Аллоҳ таолонинг Ўзи асрасин.

**«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.